



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

* 17 * May 2021 y

Yayran shahri 362 sonli

“ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига туман давлат захира ерлари 4 участкасида жойлашган “Achisoyskoe” охак тош кони қисмидан охак тош қазиб олиш қаръери (қазилмагохи) учун ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6, 20, 23 ва 78-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасининг норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаръи участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича комиссияси томонидан 23 май 2019 йилда берилган серия FR тартиб рақами 0059 “Ер қаръи участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун” берилган F 5 турли лицензияси асос учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Шурсув кўргони атрофидаги туман давлат захира ерлари 4 участкасида жойлашган “Achisoyskoe” охак тош кони қисмидан “ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига охак тош қазиб олиш қаръери (қазилмагохи) учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги 2021 йил 28 апрелдаги далолатномаси тасдиқлансин.

3. “ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига “Achisoyskoe” охак тош кони қисмидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман давлат захира ерлари 4 участкаси 234 қ контурларидаги жами 10,50 га (ўн гектар эллик сотих) гектар ер майдони шундан 10,00 га. (ўн гектар) охак тош қазиб олиш қаръери (қазилмагохи), 0,50 га. (эллик сотих) ер майдонига тош майдалаш цехи (дробилка) ўрнатишга 24 май 2021 йилда берилган серия FR тартиб рақами 0244 “Ер қаръи участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун” берилган F 5 турли лицензиясининг 4 иловасида белгиланган чегараси бўйича 23 июл 2031 йилгача вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан танлаб, ажратиб берилсин.

4. Ушбу қарорни ижросини белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари Ш.Исмоилов зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарор тасдиғи вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳоким



Ш.Юлдашев

Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Шўрсув кургони атрофидаги туман давлат захира ерлари № 4 участкасида жойлашган “Achisoyskoe” оҳак тош кони қисмидан ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонасига оҳак тош қазиб олиш қаръери (қазилмагоҳи) учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш

ХУЛОСАСИ

28.04.2021 йил

Яйпан шаҳри

Туман доимий ҳаракатдаги комиссиясининг раиси:

Ш.Исмоилов- туман ҳокими ўринбосари

Комиссия раиси ўринбосари:

А.Ражабов- Кадастр агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси Ўзбекистон тумани бўлими бошлиғи

Комиссия раиси котиби

О.Вахобов- туман қурилиш бўлими бошлиғи

Комиссия аъзолари:

М.Бахритдинов - Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилояти бошқармаси Ўзбекистон тумани филиали раҳбари

Ж.Қўчқаров- туман ДСИ бошлиғи

Э.Рахимов- туман газ идораси бошлиғи

Ғ.Хамрақулов - Экология ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Ўзбекистон тумани инспекцияси бошлиғи

А.Сулаймоннов- туман санитария эпидемиология осойишталиги маркази бош врачлари

Д.Раҳмонов - туман Фавқулотда вазиятлар бўлими бошлиғи

М.Мирзараҳимов- Ичимлик сув таъминоти туман корхонаси раҳбари

Р.Махмудов- туман алоқа бўлими бошлиғи

Ж.Мелиев - туман электр тармоқлари идораси бошлиғи

А.Нишоннов- Шўрсув МФЙ раиси

А.А.Якубов- “ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк КК раҳбари

Шу куни “ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк КК раҳбари А.Якубовнинг туман ҳокимлигида 29.03.2021 йил куни № 385 сон билан қайд қилинган аризасида Шўрсув шахарчасига чегарадош бўлган туман давлат захира ерларидан чиғонақли оҳак тош қазиб олиш учун ер майдони ажратиш беришни сўраган.

Аризани тегишли мутахассислар иштирокида урганиб чиқдик.

Сўралган жой Шўрсув кургони атрофидаги туман давлат захира ерлари 4 участкасида жойлашган “Achisoyskoe” оҳак тош кони қисмидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган 234 қ контурларидаги “Achisoyskoe” оҳак тош кони қисмидан чиғонақли гипс тош қазиб олиш қаръери (қазилмагоҳи) учун жами 10,50 га ер майдони булиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасининг норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қари участкаларида фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича комиссияси томонидан 24 май 2021 йилда берилган серия FR тартиб рақами 0244 “Ер қарри участкаларида фойдаланиш ҳуқуқи учун” берилган F 5 турли лицензиясига асосан оҳак тош фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун “ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк ККга рухсат берилганлиги аниқланди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, ҳамда вилоятда охак тош махсулотларига бўлган талабни янада қондириш ва қўшимча ишчи ўринларини яратиш мақсадида “ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк КҚга Шурсув кургони атрофидаги туман давлат захира ерлари 4-участкасида жойлашган “Achisoyskoe” охак тош кони қисмидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган 234 к контурларидаги ердан охак тош фойдали қазилмаларни казиб олиш учун жами 10,50 га (ўн гектар эллик сотих) гектар ер майдони шундан 10,00 га. (ўн гектар) охак тош казиб олиш каръери (қазилмагохи), 0,50 га. (эллик сотих) ер майдонига тош майдалаш цехи (дробилка) ўрнатишга ер майдонини 23 июн 2031 йилгача вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш ишларини бажардик.

“ALBUS CEMENT GROUP” МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Турк КҚга охак тоши казиб олиш хавзаси учун ажратиладиган ер майдони чегаралари:

Бурилиш нуқтари

40* 13'41,80” С.Ш.	70* 46'30,97” В.Д.
40* 13'44,72” С.Ш.	70* 46'37,51” В.Д.
40* 13'44,18” С.Ш.	70* 46'45,82” В.Д.
40* 13'48,55” С.Ш.	70* 46'49,49” В.Д.
40* 13'21,79” С.Ш.	70* 46'44,15” В.Д.
40* 13'51,79” С.Ш.	70* 46'40,08” В.Д.
40* 13'50,82” С.Ш.	70* 46'32,78” В.Д.
40* 13'50,88” С.Ш.	70* 46'25,50” В.Д.

- Шарқдан, Шимолдан, ғарбдан ва жанубдан – туман давлат захира ерлари худуди

Рельефи тоғликдан иборат булиб санитария-гигиена, табиатни муҳофаза қилиш талабларига мос келади.

Зилзила бардошлилиги 8-9 балл.

Далолатномага ажратилаётган ер майдонининг 1:25000 нисбатли харитадан кўчирмаси илова қилинади.

Комиссия раиси:  Ш.Исмоилов

Комиссия раиси ўринбосари:  А.Ражабов

Комиссия котиби: О.Вахобов

Комиссия аъзолари:  Ж.Қўчқаров

Э.Рахимов


Ғ.Хамракулов

А.Сулаймоннов

Д.Рахмонов

М.Мирзарахимов





Р.Махмудов

Ж.Мелиев

А.Нишонов

А.А.Якубов

Handwritten signatures in blue ink, overlapping the stamps.